O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MUSIQA PALATASI

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 22-noyabr, chorshanba, 47 (377)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Биринчи қор йўлларимизга оппоқ поёндоз тўшади.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Пленум олдидан

ДЕМОКРАТИЯ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Яқинда мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан қонунчилик ташаббуси тартибида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилди. Мамлакатимиз аҳолиси марказий матбуот орқали ушбу қонун лойиҳаларининг матнлари ҳамда уларнинг шарҳлари билан танишди.

25 ноябрь куни Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг мазкур қонун лойиҳалари бўйича навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтиши кутилмоқда. Пленум олдидан бир гуруҳ партия фаоллари билан суҳбатлашиб, уларнинг бу борадаги фикрлари билан танишдик.

Мукамбар АЗИМОВА, ЎзМТДП Тошкент шаҳар С.Раҳимов туман кенгаши раиси:

— Ҳар қандай ислоҳот, табиийки, жамиятда юзага келган эҳтиёж ва зарурият орқали туғилади. Юртимиз ўзининг мустақил демократик йўлини белгилаб олаётган экан, бу жараёнда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам халқ манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиз. Янги Конституциявий қонун ва Конституциямизга киритилаётган ўзгартишлар лойиҳалари билан танишар эканман, ана шундай фикрга келдим. Албатта, бундай зарур ҳаётий ҳужжатлар юртимиз келажакда янада равнақ топишига хизмат қилади. Қонунчилик мустаҳкам бўлган жойдагина тараққиёт, юксалиш ва янгиликлар юз беради, албатта.

Маматқул БОЗОРБОЕВ, ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси:

— Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилаётган лойиҳаларидаги халқ депутатларининг вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари қайд этилган моддаси эътиборимни тортди. Қонун лойиҳасининг 7-моддасида «**Назорат қилиш вазифаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларининг партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосли хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилади»,** дейилади. Бу вазифа депутатларга катта масъулият юклайди ва уларнинг сиёсий жараёндаги иштирокини янада оширади. Сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этишдаги роли ошиши ҳамда партия фаолларининг ҳокимиятнинг вакиллик органлари шаклланишига таъсирини кучайтирилиши давлат қурилиши тизимига, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларига ҳам кучли таъсир ўтказади.

Рустамжон ОТАМИРЗАЕВ, ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси 3-моддасининг қабул қилиниши нафақат Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ваколатлари ва имкониятларини кенгайтириш, балки палатада қарорлар қабул қилиш жараёнини янада демократлаштириш имконини ҳам яратади. Бундан ташқари, лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби тўғрисида ҳам фикр юритилган. Унда қўлланилаётган тизим ва амалиёт кўплаб демократик мамлакатларда, хусусан, Германия, Финландия, Испания, Чехия, Словакия, Греция ва бошқа давлатларда ҳам мавжуд. Мустақил мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторида дадил одим ташлаши учун шундай қонун ислоҳотлари муҳим аҳамиятга эга.

Ислоҳот ва самара

«Микрокредитбанк» тадбиркорлар мададкори

MIKROKREDITBANK

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар эл-юрт фаровонлигига хизмат қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида акциядорлик тижорат «Микрокредитбанк»нинг Жиззах вилояти филиали бошланғич сармояни ривожлантириш мақсадида мижозларга катта миқдорда маблағ ажратяпти.

Банкнинг Ғаллаорол туман бўлимида ҳам тадбиркор ва ишбилармонларга бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Шу боис бугунги кунда мижозлар сони 2000 дан ошиб кетди. Улар орасида «Даврем», «Омад» хусусий фирмалари, «Кавсар беҳишт» фермер хўжалиги каби кредитдан фойдаланиб, ишни алақачон яхши йўлга қўйган мижозлар кўп.

Масалан, «Даврем» хусусий корхонасига ўз фаолиятини бошлаш учун «Микрокредитбанк»нинг туман бўлими 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратган эди. Қисқа фурсат ичида корхона оёққа туриб, маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Энг аҳамиятлиси, бу ерда 10 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Жамоада бугун сариёғ, пишлоқ, бринза, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Ишимиз юришиб кетди, — дейди «Даврем» хусусий корхонаси раҳбари Бутунбой Азимов. — Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз бошқа жойлардагига қараганда анча арзон. Шу сабабли уларга бўлган талаб ортиб, маҳсулот пешма-пеш истеъмолчиларга жўнатилмоқда. Маҳсулотни харидорнинг манзилига етказиб бериш учун шартномалар тузганмиз. Келажакда корхонани кенгайтириб, кўпроқ маҳсулот тайёрламоқчимиз. Қўшимча иш ўринлари яратиш ҳам режамизда бор.

— Иш ҳақи ҳозирча 50-60 минг сўм атрофида бўлмоқда. Яқинда яна маошимизни оширишмоқчи, — дейди цех бошлиғи Гулсара Ҳайдарова.

Хулоса қилиб айтганда, «Микрокредитбанк»нинг Жиззах вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Биз буни Ғаллаорол туманидаги биргина хусусий корхона мисолида кўриб ишонч ҳосил қилдик. Банкнинг ҳар бир шахобчаси мижозларга барча замонавий хизматларни кўрсатмоқда.

Норқул МАМИРОВ.

«Обуна-2007»

СИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШГА ТАРАФДОРМИСИЗ?

Бу саволга Ўзбекистон манфаатини устувор билган ҳар бир фуқаро **«Ҳа!»** деб жавоб беради.

Миллий тикланиш — Ватан тараққиётининг зарурий шартидир.

Агар шундай эзгу ният Сизга ҳамроҳ бўлса, таклифимиз:

«Миллий тикланиш» газетасига обуна бўлинг.

Обуна нархи мамлакатимизда чоп этиладиган марказий нашрлар ичида энг арзонидир.

Обунани ташкил этишда фаол қатнашган вилоят ва туман партия кенгашлари,корхона ва ташкилотлар раҳбарлари албатта, рағбарлантирилади.

Газетанинг нашр кўрсаткичи — 158.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Қорақалпоғистон республикаси Нукус шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ва сиёсий ҳаётда ёшларнинг иштироки» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишдаги муаммолар ва ечимлар» мавзуида тадбир ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши «Хотин-қизлар қаноти»нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Юнусобод туманидаги 70-мактабда «Сиёсий партиялар — устозмураббийлар нигоҳида» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашида партиянинг депутатлик гуруҳи ташаббуси билан вилоят кенгаши депутатларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Самарқанд туман кенгаши ташаббускорлигида 2-мактабда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали билан ҳамкорликда «Хотин-қизлар қаноти иш фаолиятини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзуида семинар-тренинг ўтказди.

* * *

Партиянинг Андижон вилоят кенгашида депутатлик гуруҳининг йиғилиши ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати.

Фракция йиғилиши

ҚОНУНЛАР МУКАММАЛЛИГИ ФАРОВОНЛИГИМИЗ ОМИЛИДИР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия фракцияси аъзолари, Марказий кенгаш девони ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисига киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги (иккинчи ўқиш), «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги (иккинчи ўқиш), «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги (иккинчи ўқиш), «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги (иккинчи ўқиш), «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги (иккинчи ўқиш), «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги (иккинчи ўқиш), «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги (биринчи ўқиш), «Ўзбекистон Республикасининг Коллектив ҳавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги (биринчи ўқиш), «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (биринчи ўқиш) ва «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги (биринчи ўқиш) Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Муҳокама давомида ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фракция аъзоларининг фаол муносабат билдириши зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, фракция йиғилишида Ўзбекистон «Миилий тикланиш» демократик партиясининг шу йил 25 ноябрь куни бўлиб ўтадиган навбатдан ташқари пленумини ўтказиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан фракция аъзоси О. Ўсаров пленум Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини партия муҳокамасидан ўтказишга бағишланишини таъкидлаб пленумни ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаб беришни сўради.

Йиғилишда фракция фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбек феъли

КУЧИМИЗ НИМАГА ЕТАДИ

ёхуд миллат келажаги учун қайғураётганлар

Ривоятларга кўра Жалолиддин Румий олти ёшлик чоғларида болалар билан том устида ўйнаб юрар эди. Ўртоқларидан бири унга: «Юр, энди нариги томлар устига ҳам сакраймиз!» деди. Шунда Жалолиддин «Томма-том сакраш ит ва мушуклар иши, агар жонингда қувватинг бўлса, осмоннинг томига сакрагил!» дея жавоб беради.

Қалбда мақсад улкан бўлса, одам шунга яраша куч ва имкон топа олади! Ривоят замирида худди шундай маъно яширин. «Бу юртда яшаётган ҳар битта киши мен Ватан учун нима иш қилдим, дея ўзига савол бериши керак» деган эдилар давлатимиз раҳбари ёшлар билан учрашувлари чоғида. Бугунги кунда эзгу мақсад сари далил бораётган, тақдирини она Ватан тақдири билан боғлаб яшаётганлар орамизда кўп. Мен уларнинг баъзи бирлари ҳақида сўз юритишдан аввал «миллат учун фидо бўлиш фазилати бизга аждодларимиздан мерос, у қон-қонимизга сингиб кетган» деган гапни алоҳида таъкидлагим келади.

«ЖОННИ ҚИЙНАСАНГ, МУКОФОТИ БОР...»

Ёши тўқсонни қоралаган Ҳукум момо бу гапни дастурхон бошида айтади. «Бир пайтлар кўп ишладим, хўб ишладим, ҳозирги роҳату фароғатим ўша меҳнатларимнинг ажридур» дейди. Бу — ҳақиқат. Эрини урушга жўнатган ёш келинчак Сурхон воҳасида канал қазиётган аёлларнинг етакчиси бўлди. Ҳазорбоғ, Қоратак, Зангаза каналлари ўша оғир йилларда қазилган.

Эрталаб ишга кетаётиб, «Она, бизни дуо қилинг» дея ёнига тиз чўккан фарзандларига Ҳукум момо яна бир гапни тайинлайди:

— Тўққиз ёшида карвонга эргашиб Маккаи Мадинага жўнаган, у ёқда илм ўрганиб ўттиз ёшида юртга қайтган, сўнг мактаб очиб болаларнинг саводини чиқарган Шоим бобонинг набираларисиз, буни унутманг!

Зиёда Ҳасанова ана шу табаррук ёшли момонинг қизи. У бундан ўн йилларча аввал мактабда ўқитувчилик қиларди. Она билан қиз сўзлашиб қолган чоғларида Зиёда «илгариги даврларда нутқида нуқсони бор болаларни қандай тузатишган?» деб савол ташлар, сўнг ўзининг севимли соҳаси — дефектологияга оид қизиқарли фикрларини Ҳукум момога айтиб берарди. Она эса қизини эътибор билан тинглар, «ҳа, шундайми» деб кўя қолмас, балки «Сен бу қизиқувчанлигинг билан мактабга сиғмайсан, институтларга бориб ишласанг бўларди» дерди. Зиёда «Эҳ-ҳе, институтда ишлаш осон эканми» деган чоғларида Ҳукум момо қизини қойирди:

— Меҳнатдан қочма, жонингни қийна, мана кўрасан шунда ҳаммаси амалга ошади!

Онасининг шу сўзларидан руҳланган Зиёдахон ўз устида ишлади, мана эндиликда Термиз Давлат университетида катта ўқитувчи. Кўп изланишлар олиб бориб, «олий тоифали дефектолог» даражасига сазовор бўлди. «Ўтган ўн йиллик муддат менга катта имкониятлар эшигини очди, — дейди у. — Дефектология фанидан талабаларга сабоқ бериш баробарида ўзим ҳам нутқида нуқсони бор болаларни даволадим, бу борада халқ ичида қўллаб келинган амалий тажрибалардан фойдаландим...»

Изланишда гап кўп. Зиёда Ҳасанова ўз устида ишлаётиб, кўпгина саволларга жавоб топишни истарди. «Нима учун бу кун аномал (жисмоний ва руҳий нуқсонли) болалар кўп туғилмоқда? Манқалик (ринолалия), «р» товушини айтолмаслик (ротацизм) нуқсонлари, боланинг қуёнлаб, танглайи ёриқ ҳолда дунёга келиш ҳоллари учраётганлигига сабаб нима? Гўдак тили одатдагидан кеч чиқишига-чи? Нима учун

(Давоми. 2-бетда).

Партия ҳаёти

ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимиз кучли ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бормоқда. Фуқаролик жамиятини барпо қилиш йўлида хотин-қизлар фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳам кун тартибида турган масалалардандир.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг дастурига кўра ҳудудий кенгашларда партиянинг «Хотин-қизлар қаноти» фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Яқинда партиянинг Наманган вилоят кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали билан ҳамкорликда ўқув-семинари ташкиллаштирди. Уни ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши раиси Пахритдин Шарипов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг партиянинг вилоят кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» раиси Умида Жўраева олиб борилаётган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

— Бугунги кунда вилоятдаги 8021 нафар партия аъзосининг салкам 43 фоизини — 3440 нафарини хотин-қизлар ташкил этади, — деди маърузачи ўз сўзида. — Белгиланган режа асосида маданий-маърифий тадбирлар, танловлар ўтказилмоқда. Вилоят ҳамда туман хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда аёллар ўртасида теннис бўйича вилоят турнири ўтказилди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш мақсадида уй бекалари иштирокида «Ҳунарли киши хор бўлмас», «Оила, маҳалла ва миллий тикланиш» номли тадбирлар ўтказдик. Ҳар бир тадбир изсиз кетмаётир, аъзоларимиз сони кун сайин ортиб бормоқда.

Ўқув-семинар дастурига мувофиқ «Бошланғич партия ташкилотлари томонидан жойларда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг таъсирчанлигини ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» партиянинг Тўрақўрғон туман кенгаши раиси Саноатхон Қудратиллаеванинг маърузаси тингланди. Тадбирнинг давоми баҳс-мунозара ва савол-жавоблар билан ўтди.

Партиянинг Сирдарё ва Жиззах вилоят кенгашларида ҳам шундай ўқув-семинарлар ташкил этилди. Унда зиёли аёллар, фаол хотин-қизлар иштирок этишди. Йиғилишда, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантиришга доир муаммоларни ҳал этиш, касаначилик асосида уй бекаларининг иш билан таъминланишига эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Вилоятларда бўлиб ўтган ўқув-семинарлар ишида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Насиба ОЧИЛОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси.

ЮРТИМИЗ ТИМСОЛИ

ЎзМТДП Марказий кенгаши ташаббуси билан пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманидаги 249-мактабда «Давлат байроғи — мамлакатимиз тимсоли» мавзуида тадбир ўтказилди.

Тадбир аввалида партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова сўзга чиқди. Шундан сўнг олий тоифали ўқитувчи Марҳамат Қосимова маъруза қилди. Тадбир меҳмонлари юқори синф ўқувчилари билан мулоқотда бўлишди.

Йиғилишда Марказий кенгаш аъзолари ва партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари иштирок этишди.

Акмал РЎЗИТОЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси.

Анжуман

Яқинда 1-Тошкент юридик коллежининг бир гуруҳ талабалари иштирокида «Тарихий хотира ва халқ келажаги» номли илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда коллежнинг ўқитувчилари ҳам иштирок этишди.

ВАТАН ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК

Тадбирни коллеж директори Озод Ҳусанов кириш сўзи билан очди ва энди ўқишни бошлаган ёшларни табриклади. Шундан сўнг Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат Жавлонов, коллежнинг ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси бошлиғи Марҳабо Собирова ҳамда судларда ижро иши бўлими бошлиғи Саодат Мирзоировалар сўзга чиқишди.

Йиғилиш талабаларнинг Ўзбекистон тарихининг яратилиш жараёнлари ва бугуни ҳақидаги маърузаларига уланиб кетди.

— Талабаларимиз бугунги тадбирга пухта тайёргарлик кўришди, — деди ўқув юрти Ўзбекистон ва жаҳон тарихи фани ўқитувчиси Аскар Аслонов. — Улар ишончимизни оқлашди. Ёшларни мустақил фикрлашга, ўз мулоҳазаларини тортинмай баён этишга ўргатиш керак. Улар бугунгидек обод ва озод кунларга етгунича халқимиз қандай даврларни бошдан кечирганини англаса, ҳозирги кунларнинг қадрига етади, келажакка бўлган ишончи янада ортади. Бугунги анжуманни шу мақсадда ташкиллаштирдик. Зеро, тарихини унутмаган миллатнинг тараққиётга эришиши осон бўлади. Халқ келажагига эътибор ёшларга бўлган эътибордан бошланади.

Гули ОЛИМОВА.

Давр ва биз

ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

Жорий йил ҳам охирлаб бораяпти. Кўп нарсаларни сарҳисоб қилиш вақти етди. Тақвимга қараб 2006 йилнинг ўтган даври давомида қилинган ишларни чўтга солиш қийин эмас. Ана шундай вақтда ютуқ ва камчиликлар ҳам кўзга ташланиши табиий.
Бугунги суҳбатдошимиз — партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Жаннатой ТОШМАТОВА.

— Суҳбатимизни партияга аъзо бўлганингиздан бошласак. Анча вақт ЎзМТДП Марказий кенгаши котиби вазифасида ҳам ишлагансиз. Шаҳар кенгашига ишга ўтганингиздан сўнг қандай режалар билан иш бошладингиз?

— 1998 йилда ЎзМТДПга аъзо бўлганман. Партия иши ҳар бир аъзодан фидойиликни талаб қилади. Яхши ниятингизни амалга ошириш, мақсадингизни бошқаларга тушунтириш учун ҳар доим ҳам аввало, ўзингиздан ҳаракат, ташаббускорлик керак. Биринчи кунданоқ шуни англаганман. 2003 йилда партия Марказий кенгашига котиб вазифасига тайинландим. Бу масъулиятли вазифада ишлаш мобайнида партия ҳаётига янада яқинлашдим. Партиямизни зиёлилар сафини бирлаштирувчи қутлуғ даргоҳ деб тасаввур қиламан. Ҳар бир партия аъзосида ички бир масъулият бўлиши керак. Сафларимизда турли соҳа вакиллари — таниқли шоиру ёзувчилар, эл севган санъаткорлар, кўпни кўрган олиму фозил кишилар бор. Шунингдек, устоз ва мураббийлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

Партиямизнинг ҳар бир вакили бизнинг жойлардаги тарғиботчиларимиздир. 2005 йилда партиянинг шаҳар кенгашига ишга ўтгунимга қадар сиёсий жараёнлардаги фаол замондошларимнинг тажрибасидан кўп нарсаларни ўргандим. Эндиликда давлат ўз вазифаларини ҳокимиятни кучайтириш ҳисобига эмас, балки демократик омилларни кенгайтириш ва кенг халқ оммасини бошқарувга жалб этиш йўли билан амалга оширмоқда. Модомики шундай экан, ўтказилаётган тадбирлар руҳини фуқароларнинг сиёсий тафаккурини ўстириш, уларнинг ҳуқуқий саводини демократик ўзгаришлар билан мос келтиришга қаратишимиз лозим. Ишни режалаштиришда ана шу нарсаларга эътибор бердик.

— Партия фаоллари иштирокида ўтаётган йиғилишларда кўпроқ қайси мавзулар муҳокамасига эътибор берилмоқда?

— Мавзулар доирасини чеклаб бўлмайди. Режаларимизни вақти-вақти билан янгилаб борамиз. Инсон нон ва сувсиз маълум муддат яшаши мумкин, лекин тоза ҳавосиз яшаб бўлмайди. «Экосан» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказаётган тадбирларимиз табиатни муҳофаза қилиш, саломатлик мавзуларига бағишланган. Ёш қизларни оилага тайёрлаш, жамиятдаги ва сиёсий жараёнлардаги иштирокини ошириш мақсадида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида учрашувлар ўтказмоқдамиз. Шундай пайтда уларга умр йўли ибратли бўлган аждодларимиз ва замондош қаҳрамонларимизни ўрнак қилиб кўрсатамиз. Режадаги тадбирларга келсак, яқин кунларда Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида ёшлар форуми ўтказмоқчимиз. Шу даргоҳда ёшлар билан олти йил ишлаганман. Уларнинг қизиқишлари, мақсад сари интилишини кўриб ҳавас қиланаман доим.

— Партия аъзоларининг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил қилади. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши «Ёшлар қаноти» ишига қандай баҳо берасиз?

— «Ёшлар қаноти»ни Бобур Эсонов бошқаради. У олий ўқув юртларида, коллеж, лицей ва мактабларда ёшлар иштирокида ўтадиган тадбирларни ташкил қилишда ҳаракатчан. Бир қарашда ишимиз оддий. Аслида ҳар бир ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатларининг ортида бир нечта партия фаолининг неча кунлик меҳнати бор. Ишни режалаштириш, мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ҳам талабчанлик керак. Ёшлар ҳаётида ўрганилиши, таҳлил қилиниши керак бўлган муаммолар жуда кўп. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳам бир нечта тадбирлар ташкил қилдик. «Экология ва ёшлар» мавзуида жойларда ўтказган йиғилишларимизда талаба ёшлар ва уларнинг устозлари иштирок этишди. Экологик муҳит яхши бўлсагина соғлом одам ҳақида гап бўлиши мумкин. Жисмонан ва руҳан соғлом инсонгина янгиликлар ҳақида ўйлайди, эл-юрт учун қайғуради. Ана шундай юзма-юз учрашувларда ёшларга буни тушунтиришга, кўп нарса уларнинг ёрдами, мададига боғлиқлигини айтишга имкон туғилади.

Давра суҳбатлари, мулоқотлар — бизнинг асосий фаолиятимиз. Ҳар бир учрашув изсиз қолмайди, албатта. Бугун катталарнинг кўпчилиги ёшларимизнинг тарбияси, одобахлоқидан нолийди. Ўйлаб кўрсак, ёш ниҳол қандай парваришланса, шундай ўсади. Аввало, уларга ўзимиз ибрат бўлишимиз зарур эмасми?! Сафларимизда 70 фоизга яқин ёшлар бор. Уларга тўғри йўналиш бера олиш бизнинг вазифамиз, бурчимиздир. Шунинг учун ҳам ёшларга бағишланган тадбирлар режасини тузишда ишни маҳалладан, мактабгача таълим муассасаси бўлган боғчалардан бошладик. Кейин мактаб ва лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари... Гиёҳвандлик, терроризм деган иллатлар ёш авлоднинг онгини заҳарламаслиги сиз билан бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ. Шу маънода «Ёшлар қаноти» ҳаракат ва ривожланиш йўлидан бораётир, деб ўйлайман.

— Шу ўринда газеталхонларимизни «Аёллар қаноти» иши билан ҳам таништириб ўтсангиз.

— Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» ишини Холида Очилова бошқаради. Аъзоларимизнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил қилишини ҳисобга олсак, қилинадиган ишларимиз кўлами нечоғли кенг эканлигини билиш қийин эмас. Улар билан ишлаш жараёнида ҳам мулоқотларга таянамиз. «Аёл ва сиёсат», «Жиноятчи аёллар. Улар кимлар?», «Оила қонунчилиги ёшлар нигоҳида» мавзуларида ўтаётган давра суҳбатларини прокуратура ва суд ходимлари билан биргаликда ташкиллаштираяпмиз. «Қайнонам онам менинг», «Муҳаббатнинг саройи кенг экан, аммо...» мавзуларида маҳаллалардаги диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан биргаликда йиғилишлар ўтказдик. Ҳар бир байрамда фаол хотин-қизларни рағбатлантириб турамиз. Театрда, маданият ва истироҳат боғларида ўтказилган тадбирлар ҳам уларнинг маданий ҳордиқ чиқариб, режадаги ишлар ҳақида суҳбатлашиб олишларига имкон яратади. Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Аёллар қаноти»нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Бир сўз билан айтганда, талабчанлик билан ишлашга ҳаракат қилаяпмиз.

— Иш бор жойда камчилик бўлади. Туман кенгашлари ишини таҳлил қилиб кўрсак, ижобий ва салбий жиҳатлар нималарда кўринади?

— Тўғри, ишни ҳамма жойда бирдек ташкил қилиш осон эмас. Пойтахтимиздаги 11 туманнинг аксариятида фаоллар кўпчиликни ташкил қилади. Айрим туманларда оқсашлик борлигини ҳам тан олишимиз керак. Сергели, Бектемир, Чилонзор туманлари билан кўпроқ ишлашимизга тўғри келаяпти. Юнусобод, Миробод, Шайхонтоҳур туман кенгашларининг иши мақтовга лойиқ. Бир туманда бор муаммо ёки ютуқ бошқа бир туманда йўқ. Бу борада тажрибаси бор туман кенгашлари ишини тарғиб қилишга эътибор қаратганмиз. Бошланғич партия ташкилотлари тузиш, уларда ишни яхши йўлга қўйиш жараёнини ҳам доимий таҳлил қилиб борамиз.

— Партия ишини янада жонлантириш учун нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Юқорида таъкидлаганимиздек, партия иши жонкуярликни, узлуксиз меҳнатни, ҳаракатни талаб этадиган жараён. Фурсатдан фойдаланиб партиядошларимизга имконият даражасидан тўла фойдаланиш, янгиликлар яратиш зарурлигини айтиб ўтмоқчи эдим. Биз танлаган йўл миллатнинг ёрқин келажаги учун хизмат қилишини ҳар бир ватандошимизга англатиш, уларни ҳам сафимизга қўшиш керак, деб ўйлайман. Миллатнинг мавжудлигини шу миллат вакилларининг қадриятларга бўлган эътибори ҳам белгилаб беради. Миллий тикланиш йўлидан бораётган эканмиз, бизга масъулиятли вазифаларни ишонч билан топширган юзлаб, минглаб юртдошларимизнинг ҳурмат ва эътиборига муносиб жавоб қайтарайлик. Аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олган ҳолда дадил одим ташлашга одатланайлик.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

КУЧИМИЗ НИМАГА ЕТАДИ

ёхуд миллат келажаги учун қайғураётганлар

қишлоқ ва маҳаллаларда отаона ва логопед ҳамкорлиги йўлга қўйилмаган?» Хуллас, шу сингари юзлаб саволларнинг ечимини ахтараркан, унга кўп нарсалар аён бўла боради.

— Аномал болаларда бир қанча камчиликлар кузатилади, — дейди Зиёдахон. — Яъни, эшитиш ва кўриш қобилияти заифлашган, кўзи ожиз, кар-соқов, нутқида тузатиш қийин бўлган нуқсони бор ва ҳаракат-таянч аъзолари издан чиққан болалар, шунингдек, руҳий ривожланишдан ортда қолган ўғил-қизларга таълим-тарбия бериш орқали уларга кўмаклашиш дефектология фани олдида турган муҳим вазифадир. Мен фанни ўзлаштиришда талабалар билан иш олиб борарканман, кўпинча аномал болаларни тузатишга оид тажрибаларимни амалда қўллайман. Бундан уч йилча аввал умуман ҳаракат қилолмайдиган ва нутқида нуқсони бор бўлган болакайни даволадим, ишим муваффақиятли якун топди. Ўшандан бери отаоналар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатганман. Ҳатто хонадонларга бориб гапиришга қийналадиган ва тили кеч чиққан болаларнинг нутқ аъзолари (тил, лаб, жағ, танглай сингарилар)ни бирма-бир текшириб кўраман, бола билан тинимсиз машқлар олиб бораман. Яқинда нутқида нуқсони бор болаларни даволаш бўйича Термиз шаҳрида махсус марказ очиш хусусидаги лойиҳаларни ишлаб чиқдим, у бир овоздан маъқулланди.

Зиёда Ҳасанованинг айтишича, экологик ҳолатнинг ёмонлашуви, шунингдек, онанинг ҳомиладорлик даврида турли касалликлар билан оғриши, вақтида шифокорга кўринмасдан уйда ўз ҳолича даволаниши, билиб-билмай дориларни истеъмол қилиши, сурункали хасталикларини то туғруқ пайтигача даволатмаслик оқибатида кўпинча аномал болалар дунёга келиши мумкин экан. Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун албатта, тушунтириш ишлари олиб бориш зарурлиги Зиёда Ҳасалажагини ўйлаб яшаши керак, — дейди Зиёданинг ўзи.

Отаси Турди Ҳасанов жангдан ярадор бўлиб қайтса-да, узоқ йиллар жамият хизматида бўлди, мард ва саховатли инсон эди. Онаси Ҳукум момо эса одамларга яхшилик соғиниб яшайди. «Онамнинг ўгит ва маслаҳатлари мени доимо илгарига чорлайди», — дейди Зиёда Ҳасанова.

ҚИЗ УЧУН АНТИҚА «СЕП»

— Эсимда, беш ёшимда онамдан ажраб қолдик, отам бошқа аёлга уйланди, ўгай она мени уйга сиғдирмай кўчага ҳайдаб чиқарди. Қишлоқ одамлари бағрига олишди. Поччам оддий аравакаш эди, китобни яхши кўрарди, ярим оқшомга қадар менга ғазаллар ўқитиб эшитарди, ўзининг саводи йўқ эди-да. Ўқиганларимни сел бўлиб тингларкан, «Укагинам, кўп китоб ўқи, ана шунда ҳаётда тез ўрнингни топасан» дерди. Ўшандан сўнг китобга меҳр қўйдим, кам бўлмадим, — дейди янгиерлик Саидмурод Каримов.

Бу инсон Янгиер шаҳридаги «Мирзачўлқурилиш» музейининг директори. Қай даврага кирмасин, таниқли ёзувчиларнинг китобларидан сўз очади, янги фармон ё қарор чиқса аввало мазмунини тушуниб олади, сўнг одамларга етказади. «Ҳар биттамиз ўз ҳуқуқимизни билишимиз керак, демократик новани оналар ҳузурига етаклайди, ҳамиша оналар даврасида бўлади...

— «Соғлом авлод» давлат дастурининг олтинчи йўналишида «ногирон болаларни давлат томонидан ҳимоя қилинишини кучайтириш ва улар учун керакли шарт-шароитлар яратиш» тўғрисида айтиб ўтилган, демак ҳар биримиз бунга бепарво қарамаслигимиз шарт, — дейди Зиёдахон.

Университетнинг педагогика ва психология факультети декани, академик Б.Қодиров Зиёдахон ҳақида гап кетганда шундай дейди:

— Республика миқёсида ўтказиладиган педагогик ўқишлар вақтида долзарб мавзуларда маърузалар қилади, аудиторияни бир зумда ўзига жалб эта олади, унинг «очиқ дарс»лари замонавий талабларга жавоб берадиган намунали дарс сифатида ҳамиша юқори баҳоланади.

— Инсон ўз миллатининг кечмиши ва келажагини ўйлаб, давлат қураяпмиз, ахир!» дея куюнади у.

Ўзи ҳам китобга ўч. Қайсидир йили қизи Дилфузани турмушга узатганида 500 та китоб солинган сандиқни сеплар қаторига қўшиб бергани ҳалиҳали янгиерликларнинг ёдидан чиқмайди.

— Грузинларда қиз узатилаётганда унинг сеплари орасида Шота Руставелининг «Арслон терисини ёпинган паҳлавон» асари албатта бўлар экан. Бу одатда бир ҳикмат бор. Негаки, китоб кишининг руҳий оламини бойитади, турмуш машаққатларига сабрли бўлишни ўргатади, мен ана шу ниятда қизларимнинг сепига китоблар ҳам қўшиб бераман! — дейди Саидмурод Каримов.

— Сиз аскарлик чоғингизда бир йигитни калтаклаб қамалган экансиз-а, шу ҳақда гапириб беринг, — дейишади давраДошлари гоҳо унга.

Ўша ҳикоя яна бир карра тилга олинади.

— 1967 йиллар. Львов шаҳрида ҳарбий хизматда эдим. Бир кун овқатланиб бўлганимиздан сўнг ҳазил-мутойиба бошланди. Иккита йигит бир-бири билан олишиб кетишди, грузин бола стол устига чиқиб тушликдан ортиб қолган нон бўлагини немис шеригига қараб тепди. Мен чидаб туролмадим, нонни тепган болани яхшилаб калтакладим, оёғига тепдим, йиқилиб тушди, боши ёрилиб тишлари синиб кетди. Мени қамаб қўйдилар. Тергов бўлди. Мен ўшанда болалигимдаги очлик даврларини, энам билан ярим тунда бошоқ тергани чиққанларимизни гапириб бердим, «бизнинг халқимизда нон жуда азиз, агар унинг бир бўлаги ерда ётса олиб кўзга суртишади, сўнг авайлаб четга қўйишади» дедим. Ҳатто энамдан эшитган бир ривоятни — йўлда нон еб кетаётганида увоғи ерга тушгач, тополмаганидан сўнг ўша жойни айлантириб кўрғон қурган киши ҳақида сўзлаб бердим. Гапларимга қулоқ солибўтирган генерал сакраб ўрнидан туриб кетди. Кўзойнагини олиб кўзларини артди. Ўша куниёқ мени озод қилиб юборишганди...

Саидмурод Каримов ана шунақа! У миллатимиз тарихини ҳар биримиз чуқур билишимиз шарт, миллий қадриятларимизга амал қилиб яшашимиз керак, деган гапни давраларда кўп маротаба такрорлайди.

«МАРВАРИД ИЗЛОВЧИ» ОДАМ

Мухбир бола Мамадали Аҳмедовни йўлда учратиб, ундан сўрайди:

— Сизни кўп китоб йиғади деб эшитганман. Уйингиздаги китоблар мингтадан ҳам ошиб кетгандир-а?

— Э, нима деяпсиз, ука. Ўн бир мингта китобим бор! Иккита катта хонадаги айлана жавонлар лиқ тўла, ортганлари дала ҳовлимда, ишхонамда ҳам анча-мунчаси сақланади.

— Шунчалар кўп китоб... Улар хилма-хил бўлса керак?!

— Албатта. Алишер Навоийнинг йигирма томлик асарлари жавонимнинг энг олд қаторида туради. Улуғ ёзувчи ва шоирларимизнинг сара асарлари алоҳида тартиб билан териб қўйилган. Аслида кутубхонамнинг ёши мустақиллик билан теппа-тенг, яъни китоб йиғаётганимга ўн беш йилдан ошди. Энциклопедиялар дейсизми, луғатлар, илмий адабиётлар, мумтоз асарлар, тарихий романлар, саргузашт қиссалар, ҳозирги ёзувчиларимизнинг дурдона тўпламларини йиққанман.

— Маошга яшайдиган кишисиз. Китоб сотиб олавериш учун эса анча-мунча пул зарур бўлади...

— Китоб дўконларининг сотувчилари мени танишади, кўпинча тўловларни бўлиб-бўлиб бераман. Масалан, Чингиз Айтматовнинг етти томлик асарини «нася»га олиб, бир ярим ой ичида тўловидан қутулганман. Биласизми, бозорларнинг «эски китоблар» растасига борсангиз, ҳайрон қоласиз. Улуғ ёзувчиларнинг китоблари турибди у ерда. Мен Нобель мукофоти соҳиби Иван Бунининг уч томлик йирик асарини шунақа растадан арзон нархда сотиб олганман. Умуман, ҳар битта оилада китоб учун оила бюджетидан албатта пул ажратилиши керак деб ўйлайман. Чунки китоб беминнат дўст, буюк тарбиячи, энг яқин маслаҳатдош!

Сирдарёлик ҳамкасбимиз Мамадали Аҳмедов ёш авлоднинг чинакам зиёли бўлиб вояга етишида китобнинг аҳамияти беқиёс, зеро ёш авлод зиёли бўлса миллатнинг келажаги порлоқ бўлиши тайин, деб ҳисоблайди. Ва ўйлаганларига ўзиям амал қилади. Ўтган йилда вилоятдаги «Энг китобхон оила» кўрик-танловида Мамадали Аҳмедов хонадони ғолибликни эгаллаган.

— Отам ўқимишли инсон эдилар, — дея хотирлайди у. — Кечалари Яссавий ҳикматларини, «Қиссаси Рабғузий» ва бошқа кўплаб китобларни араб алифбосида ўқир, мағзини чақиб, бизга сўзлаб берардилар...

Аслида китоб йиғувчи одамни денгиз тагидан марварид изловчи ғаввосга қиёслаш мумкин. Чунки, марварид изловчи ҳар қандай шароитда ҳам мақсадига етмаса сув юзасига кўтарилмайди. Китоб йиғадиган одамнинг мақсади эса янада эзгу. У гўё ҳаммамизга китобнинг қадрини кўз-кўзлаб, зиёли ва билимдон бўлишимиз шарт эканлигини қайта-қайта уқтираётгандек бўлади.

Хўш, бу эзгу ҳаракатларда кучимиз нимага етади? Миллат тақдири учун қай тарзда қайғуряпмиз? Фидойилар сафида бўлаяпмизми?! Ён-атрофимизга синчиклаб боқайлик. Гарчи «мен шу юрт фарзандиман!» дея кўкрагига уриб мақтанмасалар-да камтарона яшаб, миллат келажаги йўлида катта ишларга бош қўшаётганларни излаб топайлик. Менимча, улар орамизда жуда-жуда кўп.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Истиқлол берган имкон

ҚАРШИ ҚУҲНА ВА МУАЗЗАМ ШАҲАР

Президентимизнинг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва ЮНЕСКО томонидан ҳам бунинг қўллаб-қувватланганлиги Амир Темур ватани қўҳна Насаф — бугунги Қаршига нисбатан жаҳоний эътибор ва эътирофнинг яна бир ёрқин далили бўлди. Истиқлолимизнинг беқиёс қудрати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий исботи боис Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги тантаналари алоҳида аҳамият касб этди.

Қарши шаҳри билан боғлиқ тарихий ҳақиқатларнинг амалга ошиши истиқлолимиз шарофатидандир. Мустақиллигимиз меъмори, Президентимиз Ислом Каримов 27 октябрь куни Қарши шаҳрининг 2700 йиллик шодиёналарида қатнашди. Давлатимиз раҳбари юбилейга тайёргарлик доирасида таъмирланган Кўкгумбаз масжидида амалга оширилган тиклаш ва таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишиб, масжид меҳробида битилган қадимий битиклардан тортиб, унинг атрофини хушманзара дов-дарахтлар билан безашгача зарур тавсиялар берди. Одина ёдгорлик мажмуида бажарилган ишларнинг сифатини юксак баҳолади.

Юртбошимиз Қарши шаҳри марказида барпо этилган «Эл-юрт таянчи» монументининг очилишида нутқ сўзлади. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Марказий истироҳат боғида юбилей муносабати билан бунёд этилган улкан амфитеатрда барча вилоятлардан келган вакиллар, воҳа фаоллари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилот ваколатхоналари, оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат тантанали маросим иштирокчиларини, уларнинг сиймосида Қашқадарё аҳлини, бутун халқимизни Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи ва соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллик тўйи билан мубораклаб этди.

У ўз нутқида: «Нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан эътироф этилган Шаҳрисабз ва Қарши каби шаҳарларнинг мавжудлиги ҳам бизнинг тарихий илдизларимиз нақадар чуқур ва нақадар қадимий эканидан яққол далолат беради», — дея таъкидлади. Биз муқаддас юртимизда жойлашган ва бутун жаҳон аҳлига ўзини танитган, 2700 йиллик тарихга эга бўлган қўҳна шаҳар ва масканлар, бебаҳо моддий ва маънавий меросларини билан ҳақли равишда фахрланиб сўзлашимиз бежиз эмас, албатта. Зеро, бутун халқимиз ҳам бугун тарих ва башарият олдида бетакрор цивилизация ва маданият бешиги сифатида кўплаб буюк мутафаккир зотлар, азиз авлиёлар ватани бўлган қўҳна Қарши шаҳрини мукаррам санашни, қадрлашни миллий қадр қимматимизни теранроқ англаш деб билмоқда. Халқнинг ана шу ирода ва интилишини ифода этган давлатимиз раҳбари яқин ўтмишда Қашқадарё аҳли бошидан кечирган азоб-уқубатларни эслар экан: «Ҳар қандай қирғин ва фожиаларга қарамасдан бу воҳанинг, Қаршидек умри боқий шаҳарнинг ҳаёт ва давр синовларидан омон ўтиб мана шу ёруғ кунларга етиб келгани, шу заминда яшаб ўтган аждодларимиз, бугун ҳаёт кечираётган авлоднинг мустаҳкам иродаси, эркинлик ва озодликка интилиш туйғуси нақадар кучли эканлигининг тасдиғидир» дея таъкидлади.

Салобатли ҳайкалнинг очилиш маросими нафақат Қашқадарё воҳасининг, балки мамлакатимиз ҳаётининг унутилмас санаси мақомини касб этиши ҳам бежиз эмас. Ҳаётнинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган, ҳаёт боқийлигини таъминлайдиган инсонлар сиймосини мужассам этган бу гўзал обида юртимизни обод этган, бунёдкор инсонларни тарбиялаган халқимиз, азамат ва қудратли оддий ўзбек оиласининг тимсолини бадиий ифода этди. Ҳаёт гардишининг рамзи бўлган ҳайкал пойидаги тегирмон тоши шиддат билан айланаётган замонни, тинимсиз ўзгаришлар оғушида бўлган даврни, унинг устидаги меҳнаткаш оила тасвири эса халқимизни мужассамлаштиради.

Дарҳақиқат, Қарши шаҳрининг бетакрор ҳуснига узукка кўз қўйгандек мос тушиб, унга янгича қиёфа бахш этиб турган мазкур салобатли ҳайкал бунёдкор халқимиздан келгуси авлодларимизга абадий ёдгорлик бўлишига шак-шубҳа йўқ. Қизларимиз ундаги навниҳол қизча тасвири орқали гўзаллик ва бахтни, ҳаётнинг давомийлигини кўрсалар, йигитларимиз азму шижоатли ўз авлодининг вакилини, оталар ишининг давомчиси бўлган тенгдошининг қиёфасини топишади. Аёлларимиз она тимсолидаги миллатимизга хос мунислик ва меҳрибонликнинг, оталаримиз эса оила бошлиғига хос бутун куч-қувват ва меҳрини ўз оиласи ва фарзандларига, эл-юртига бахшида этган, қадоқ қўлли, бағрикенг, фидойи ва заҳматкаш инсоннинг қиёфасини кўрадилар.

Зотан, қадимий Насаф — бугунги навқирон Қарши шаҳрининг ўз даврида мусулмон оламидаги Мадина, яъни муаззам шаҳар мақомига эга бўлган саккиз шаҳарнинг бири сифатида тарихий манбаларда эътироф этилиши бежиз эмас. Юртбошимизнинг бу маскан табарруклигини юксак маданият, илмий маънавий муҳит, илм-фан ва ҳунармандчилик, адабиёт ва санъат, муқаддас ислом дини, ислом фалсафаси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк фарзандларнинг табаррук номлари билан боғлаши шундан.

Шунингдек, ана шундай бетакрор сиймолар қаторида ҳадис илмининг билимдонларидан Абул Аббос ал-Мустағфирий, Абу Туроб Нахшабий, етук шоир ва олимлар Зиёвиддин Нахшабий, Муйидиддин Насафий, Олим Насафий, ҳуқуқшунос аллома Нажмиддин Насафий, калом илмининг намояндаси Абул Муъин Насафий, файласуф Азизиддин Насафий, моҳир меъморлар Али Насафий, Олим Насафий каби улуғ зотларнинг мўътабар номлари алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинди. «Уларнинг бой илмий ва ижодий фаолияти, қолдирган меъросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, бу бебаҳо бойликни келгуси авлодларимизга етказиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир,— дея таъкидланди. Бу сўзлар Солиқ академиясида маданий мерос ва маънавий қадриятларга эътиборгина эмас, балки миллий ғурурни юксалтиришни, ўзликни англашимиз — истиқболни кўзловчи ўзига хос йўл-йўриқлар сифатида ҳам қабул қилинди.

Қарши шаҳри 2700 йиллик тўйининг соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 670 йиллик таваллуд айёми билан биргаликда нишонланиши замирида ҳам теран рамзий маънолар мужассам. Чунки биринчидан, улуғ аждодимиз бўлмиш буюк давлат арбоби ва саркарда соҳибқирон Амир Темур нафақат миллий тарихимиз, балки умумбашарий тараққиёт тарихида беқиёс ўрин эгаллайди. Иккинчидан, Амир Темурнинг бутун онгли ҳаёти ва фаолияти миллий озодликка, мустақил ва қудратли давлат барпо этиш йўлидаги курашларга сафарбар этилган эди. Учинчидан, у ўз тимсолида миллатимиз, халқимизга мансуб бўлган ақл ва заковат, бағрикенглик ва Ватанга содиқлик, қатъиятлик ва бунёдкорлик салоҳиятини мужассам этибгина қолмай, бутун дунёга намойиш қилган эди. Соҳибқироннинг буюк орзу-интилишларига мустаҳкам қанот берган Қарши шаҳри ва Амир Темур номлари бир-бирига пайвастадир. Президентимизнинг: «Ўз даврининг енгилмас қаҳрамони, миллатнинг ҳақиқий етакчиси, фавқулодда буюк шахс, буюк инсон бўлган Амир Темурнинг бетакрор ҳаёти ва фаолияти, жасорати ва ибрати бугунги кунда бизнинг ёруғ келажагимизга ишонч бағишлайди, олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун чексиз куч-қувват, қатъият ва шижоат бахш этади», — деган сўзлари айни ҳақиқатдир.

Мамлакатимиз раҳбари комил ишонч билан юксак ғурур ва ифтихор туйиб: «Кимки бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму шижоатини, қандай буюк ишларга қодир эканини кўрмоқчи бўлса, мана шу Қарши шаҳрида, бутун Ўзбекистонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларимизни келиб кўрсин» дея таъкидлади. Она заминимизнинг доимо гуллаб-яшнаши ва файзу баракага тўлиши, элимизнинг бахтиёр яшаши ҳақидаги эзгу тилакларини изҳор этар экан, у истиқлол шарофати билан бошланган юмушларнинг абадий давом этажагини уқтирди.

Истиқлол берган имкониятлар моҳиятини, мустақилликнинг беқиёс қудрати ва халқимиз яратувчанлик салоҳиятини келажакнинг бунёдкорлари бўлган ёш авлоднинг қалби ва руҳига, онг ва тафаккурига сингдириш, улар қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини чўғлантириш, руҳий-маънавий илдизларимиздан куч-қувват олиб қадрдон юртимизнинг шон-шуҳратини янада юксалтиришга йўллашни академиямиз раҳбарияти, ҳар бир профессор-ўқитувчиси ўзининг фуқаролик бурчи, виждон амри, касбий вазифаси деб билади.

Исломжон ЯҚУБОВ,
Солиқ академияси маънавият-маърифат ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи.
Дилбарой РАҲМОНОВА,
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири вазифасини бажарувчи.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ҲАЛОЛЛИК — ЗИЙНАТ, ХУШМУОМАЛАЛИК — ДАВО

Якун топаётган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да жойларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Қатор шифохоналар таъмирланиб, янгилари қад ростлади. Беморларга малакали ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт муассасалари зарур анжомлар билан жиҳозланди. Ҳамма шароитлар яратилди.

Жумладан, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «To`rtinchi» масъулияти чекланган жамият стоматологик поликлиникаси шифокорларидан кўпчилик мамнун. Боиси, мазкур муассаса жамоаси беморларга алоҳида эътибор, ҳурмат, ширинсуханлик билан муносабатда бўлишади. Тажрибали шифокор Ҳуршид Мўминов раҳбарлик қилаётган поликлиника 40 йилдан бери фаолият юритади. Юртимиз мустақилликка эришгач, 1995 йил бу даргоҳда мулк шакли ўзгариб, хусусийлаштирилди. Юқори технологиялар билан жиҳозланган ушбу масканда Муҳтарам Миралиева, Зулхумор Тўхтабоева, Роза Ғуломова, Раъно Юнусхўжаева, Жавдат Зокиров каби ўз касбининг усталари фаолият юритмоқдалар.

1-тоифали терапевт-стоматолог Доно Холмуҳамедова ҳам дастлаб шу даргоҳда қирқ йил аввал иш бошлаган эди. Биз у киши билан иш фаолияти, ҳаёти тўғрисида суҳбатлашдик.

— Доно опа, айнан шу касбни танлашингизга нима сабаб бўлган?

— 7-синфда ўқиётганимда мактабимизга тажриба ўтагани тиш шифокори — ёшгина йигит келганди. Ўшанда тишим оғриб, шифокор ҳузурига кирганман. У «Тишингизни олиш керак», деб роса ҳаракат қилди. Аммо тишимни ололмади. Шунда жоним оғриб, «Катта бўлсам, албатта, тиш шифокори бўламан, лекин беморларга озор бермай даволайман», деб ният қилгандим.

— Ниятингизга етибсиз-да?

— Ҳа, ўша ёшликдаги воқеа туртки бўлиб шу касбни танладим.

— Шифокор бўлгач, тишингизни оғритган ўша шифокорни ҳеч учратдингизми?

— Ҳа, унга «Сиз тишимни оғритганингиз учун шифокор бўлдим» деганимда, у «Яхшиям шундай қилган эканман, мана, ҳамкасб бўлибмиз», деб хурсанд бўлганди.

— Кимларни устозларим деб айтоласиз?

— Лидия Стажарова, Хадича Тўлаганова, Лида Пинхасоваларни устозларим деб биламан. Айни дамда улар нафақада. Аммо ўгитлари, насиҳатлари ҳалигача иш жараёнида асқотади. Мен шундай инсонларнинг шогирди эканимдан фахрланаман.

— Айни пайтда ўзингизнинг ҳам шогирдларингиз бўлса керак?

— Раъно Субхонова, Дилором Музаффароваларни ҳақиқий шогирдларим деб биламан.

— Сиз тиш шифокорисиз, тишларни даволайсиз. Ёнингизга бемор келганда кўнглингиздан нима ўтади?

— Аввало, креслога ўтирган ҳар бир инсонни ўзимнинг энг яқин одамим деб ҳисоблайман. Бемор ўрнида ота-онамни, ака-опаларим, набираларимни кўраман. Шу боис унга имкон борича озор бермасликка интиламан. Дастлаб оғриқни тўхтатиб, сўнг биринчи ёрдамни бераман.

— Доно опа, ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққати, оғир ва енгил томонлари бўлади. Аммо шифокорлик оғир ва масъулиятли касб дейишади.

— Тўғри. Дунёда энг қийин нарса — инсонлар билан ишлаш, уларнинг кўнглига йўл топиш. Мен эса одамлар саломатлигини қайтаришим керак. Ва унинг соғлиғи аъло даражада бўлиши учун жавобгар ҳисобланаман. Бу зиммамдаги катта масъулиятдир. Мен уни ҳамиша ҳис қилиб тураман.

— Одамлар турлича бўлади. Даволанишдан умидини узганларга ёрдам бероласизми?

— Аввало, келган бемор билан яқин мулоқотда бўламан. Унинг дардини тинглаб, касалликка ташхис қўяман. Беморнинг кўрқувини енгиб, менга ўзини ишониб топширишига эришгач, муолажани бошлайман. Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бу яхши натижа беради.

— Касбингиздан чарчаган вақтларингиз ҳам бўлганми?

— Ишдан ҳеч чарчамайман. Аммо гоҳида беморларнинг ноҳақ гаплари кўнглимни оғритган вақтлар бўлади. Шунда қаттиқ ранжийман. Бироқ барибир ўша одамни кечириб юбораман. Чунки бизнинг касбда одамлардан хафа бўлишнинг ўзи ўринсиз. Ахир у ўз номи билан бемор-да.

— Шифокор ва ўзбек аёли. Буларга қандай таъриф берасиз?

— Ўзбек аёли — оиласининг мустаҳкамлиги учун масъул бўлса, шифокор — беморларнинг соғлиғи учун масъул ҳисобланади, деб ўйлайман. Ўзбек аёлининг бахти — вафодор эри, ақлли фарзандлари, мустаҳкам оиласи борлигида. Шифокорнинг бахти — беморга тўғри ёрдам кўрсатиб, унинг соғлиғини тиклаш ва аввало касалликнинг олдини олишида. Кулиб, шу ердан шифо топиб кетиши биз учун катта бахт.

— Оилангиз ҳақида билмоқчи эдим.

— Турмуш ўртоғим — Суръат ака Тошкент автомобиль йўллари институтида кафедра мудири, фан номзоди, доцент. Бир ўғлим, икки нафар қизим, яна икки набирам бор.

— Касбингиз давомчилари борми?

— Йўқ, фарзандларим ўз йўлларини топишган. Аммо катта набирам Жавоҳир «Тиш шифокори бўламан», — дейди. Қизиқиши катта.

— Бўлажак шифокорларга маслаҳатингиз?

— Инсонларнинг қўлига қарамаслик. Ҳалоллик, хушмуомалалик, ўз касбини севиш, вақтида беморларга тўғри ёрдам кўрсатишга тайёр туриш — бу хислатларга эга бўлмай тиш шифокори бўлиш мумкин эмас, деб ҳисоблайман.

— Ҳомийлар ва шифокорларнинг фарқи нимада деб ўйлайсиз?

— Аслида, уларни бир-биридан фарқлаб бўлмайди деб ҳисоблайман. Сабаби, шифокор ҳам ҳомий. У ўз беморига ҳомийлик қилади. Мен эса фақат шу йилда эмас, балки ҳар доим нафақат шифокорлар, балки барча инсонлар бир-бирларига ҳомийлик қилиб, меҳр кўрсатишларини истардим.

Суҳбатдош:
Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Жамият ва қонун

«ТАДБИРКОР»ЛАР ПУШАЙМОН БЎЛИШДИ

Яширин иқтисодиёт — тараққиёт кушандаси. У бор жойда кимларнингдир чўнтаги қаппайиб, сифатсиз, ҳеч қандай техник талаблар ва андозаларга жавоб бермайдиган, хонаки усулда ишлаб чиқарилган қўлбола маҳсулотлар юзага келади. Қинғир йўллар билан бозорларга кириб бориб, истемолчиларнинг қўлига етиб боради. Хуфёна даромад манбаига айланган бундай маҳсулотларни тайёрлаб сотиш жиноят эканлигини билса-да, лекин айрим фуқаролар ўзларининг нафсини тийишолмаяпти. Қинғир ишларининг қийиғи фош бўлишидан ҳайиқмай ноқонуний равишда турли хил қўлбола маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқдалар.

Ана шундай қалтис хатти-ҳаракат Беруний шаҳридаги Нодира кўчасининг 15-хонадонида яшовчи икки нафар фарзанднинг отаси бўлган 27 ёшли Илҳом Файзуллаевни панжара ортига етаклади. Тоғни урса талқон қиладиган бу йигит бирон жойда ишлаб, жамиятга наф келтириш ўрнига тадбиркорликнинг хуфёна усулини ўзига касб қилиб олди. Уйидаги қўлбола мойжувозда хонаки усулда ёғ тайёрлаш билан шуғулланди.

Илҳом қараса, иши бинойидек юришиб кетди. Қўлбола маҳсулоти бозорда қўлма-қўл бўлиб кетаяпти. Унинг сифати-ю сотилиши билан ҳеч кимнинг иши бўлаётгани йўқ. Ғайриқонуний фаолиятдан келаётган жаракжарақ пуллар сохта ишбилармоннинг кўзини ўйнатди. Унинг фикрича, мана буни ҳақиқий бизнес деса бўлади.

Аммо Илҳом чучварани хом санаган эди. Тумшуғининг тагидан нарини кўролмаслиги, маънавиятининг пастлиги унинг бошига етди. Охири суднинг қора курсисига ўтирди.

— Қўлбола ёғнинг инсон саломатлигига салбий тасирини билмаган эканман, — деди Илҳом Файзуллаев қилмишидан пушаймон бўлиб. Бироқ, энди бундан фойда йўқ. У ўз уйида газ ва электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланиб, қўлбола ёғ ишлаб чиқараётган пайтида қўлга олинди. Далилий ашё сифатида олинган 600 килограмм чигит, 105 килограмм ўсимлик ёғи, 831 килограмм кунжара, 100 ва 200 литрли ёғ сақлашга мўлжалланган темир идиш ва эллик метр кабель суд ҳукми билан давлат фойдасига ўтказилди.

Афсуски, бу ягона воқеа эмас. Инсон саломатлиги учун зарарли бўлган қўлбола пахта ёғини ишлаб чиқариш берунийлик Амин Ўрозимбетовнинг ҳам ҳаётини издан чиқарди. 5 нафар фарзанднинг отаси бўлган ўттиз уч ёшли бу фуқаро ўйлаганчалик ҳар доим ҳам ҳамма нарса хамирдан қил суғургандек енгил кўчавермасди. Бунинг устига ёғ ишлаб чиқаришда асосий хомашё бўлган чигитни топиш бироз мураккаб иш эди. Шундай кунларнинг бирида нотаниш йигит уни уйига йўқлаб келди. «Жигули» автомашинасига юклаб келган бир тонна чигитининг ҳар бир килограмини юз сўмдан Амин Ўрозимбетовга пуллаб кетди. Еошлаган иши кейинчалик сохта тадбиркорга катта ташвиш келтирди. Тегишли идоралар яширин иқтисодиёт билан шуғулланаётган бу ҳуқуқбузарнинг фаолиятига чек қўйишди. Шундай ишлар билан шуғулланиб келган Айбек Юсупов ва Умарбек Атажоновларнинг ҳам қинғир ишлари шундай якун топди.

Ҳа, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Ҳар ким қилмишига яраша қонун олдида жавоб беради. Қўлбола пахта ёғини яширин равишда ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганлар ҳам бундай жазодан четда қолмайди. Бундай «тадбиркор»лар бугун ўзларининг қинғир ишларидан қаттиқ пушаймон бўлишмоқда. Маҳалла-кўй, таниш-билиш, ошна-оғайнилари, оиласи, ҳаттоки, ота-онаси вақтида уларни йўлга солганида эҳтимол шу ҳолга тушишмасди. Афсуски, тарбиянинг муҳим бўғини бўлган бу нуқталардаги бўшашувчанлик, эътиборсизлик, лоқайдлик ана шундай оқибатларга олиб келди.

Мирзаахмет АЙМАНОВ,
Беруний тумани прокурори.

Ифтихор

Яқинда давлатимизнинг муқаддас рамзларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинганига 15 йил тўлди.

Шу муносабат билан яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети билан ҳамкорликда «Байроғим – ғурурим» мавзуида тадбир ташкил этди. Унда депутатлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларининг масъул ходимлари ҳамда талабалар иштирок этдилар.

Байроғимиз 15 ёшда

Тадбирда сўзга чиққан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Азамат Зиё, Тошкент Давлат педагогика университети ректори Узоқбой Бегимқуловлар байроғимиз том маънода мамлакатимиз мустақиллигининг тимсоли эканини, унда халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, анъаналари ва қадриятлари, қудрати ва салоҳияти акс этганини таъкидлади.

Бугунги кунда байроғимиз нафақат юртимиздаги давлат идора ва ташкилотлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмларда, балки Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчихона ҳамда ваколатхоналарида, нуфузли халқаро ташкилот қароргоҳларида хилпираб турибди. Айни пайтда байроғимизни ҳамюртларимиз иштирок этаётган халқаро миқёсда сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларида кўриш ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Давра суҳбатида «Байроқнинг тарихий, ҳуқуқий илдизлари», «Давлат рамзларининг ҳуқуқий асослари», «Давлат рамзларига нисбатан ўқувчиларнинг ҳурмат туйғусини шакллантириш» мавзуларида маърузалар тингланди ҳамда депутатлар, олимлар, талабалар, сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Адиба РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Митти тадқиқот

ЖАҲОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МУАММОСИ

Жаҳонда аҳоли кўпайиб борар экан, уларни кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ҳам туғилаверади. Инсонлар уларни ҳар хил йўллар билан ечишга интиладилар. Озиқ-овқат муаммоси ҳар доим, ҳамма вақт мавжуд бўлган. Маълтус назариясига кўра, аҳоли ҳар 25 йилда 2 марта, яъни геометрик прогрессия асосида кўпаяди. Истеъмол воситалари архиметик прогрессия асосида кўпаяди. Лекин бу назария нотўғри, чунки истеъмол ресурсларидан, яъни ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона фойдаланилса ва қайта ишланса тахминан 30 миллиард аҳолини тўлиқ озиқ-овқат воситалари билан таъминлаш имконияти мавжуд бўлади. Бу масалани дон маҳсулотлари мисолида кўриб чиқайлик. Масалан, дунё миқёсида йилига тахминан 2 миллиард тонна ғалла етиштирилади. Бу аҳоли жон бошига тақсимланганда 300-350 килограммни ташкил қилади. Ҳар бир инсоннинг бир йиллик истеъмол қилиш ҳажми эса ўртача 200 килограмм. Демак, 100-150 килограмм маҳсулот ортиқ ишлаб чиқарилмоқда. Лекин озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигининг сабаби уларнинг бир хилда тақсимланмаганлигидандир. Бу кўрсаткич Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Бразилия давлатларида 350 килограмм, Венгрия, Қозоғистон, Австралия, Канада давлатларида эса 1000 килограммдан ортиқ. Ривожланаётган ва иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган мамлакатларнинг кўпчилигига хос бўлган хусусиятлардан бири тўйиб овқат емаслик ва очарчиликнинг кенг тарқалишидир.

Озиқ-овқат муаммоларининг асосий сабаблари ривожланаётган мамалакатларнинг иқтисодий жиҳатдан қолоқлиги, уларда табиий офатларга қарши курашиш имкониятларининг йўқлигидир.

Ривожланган мамлакатларда маҳсулотларни интенсив ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Масалан, гўшт учун қорамолларнинг зотдор турлари, озиқ-овқат экинларининг эса тезпишар ва серҳосил навлари етиштирилади. Ривожланаётган ва қолоқ мамлакатларда эса аксинча сифатга эмас кўпроқ миқдорга эътибор берилади. Бундай мамлакатлар аҳолиси бутун дунё аҳолисининг 70 фоизини ташкил этади. Юқоридаги сабаблар келиб чиқишининг олдини олиш, ишлаб чиқаришни кам харажат ва самарали усулларини жорий этиш дунёдаги қолоқ мамлакатларни ҳам ривожланаётган давлатлар қаторига қўшиш билан бирга жаҳондаги озиқ-овқат муаамосини ҳал этиш имкониятини яратади.

Махфират АЛИЕВА,
Тошкент молия институти ўқитувчиси.
Мансур МУСАЕВ,
талаба.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Донишмандларимиз ўзи тинчнинг юрти тинч, деб бежиз айтишмаган. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оилалар камоли, маҳаллалар тинчлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тинч, ижодий меҳнатнинг, осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш каттаю кичикнинг бирдек муҳим вазифасига айланаяпти. Бу борада Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида амалга оширилаётган ишлар, айниқса эътиборга молиқдир. Туман ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими профилактика инспектори, милиция лейтенанти Муроджон Назаров маҳаллалар ва уларда яшаётган оилалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди. Эл осойишталигини таъминлаш мақсададида амалга оширилган бу иш эндиликда яхши самара бермоқда. Маҳаллаларда турли ҳуқуқбузарликларнинг йўлига мустаҳкам ғов қўйилгани боис жиноятчилик камайиб бораяпти.

Суратда: Муроджон Назаров иш пайтида.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

САБОҚ

Фоний дунё, сендан тилагим шудир:
Мардингни номардга муҳтож қилмагин.
Хазинангдан бергин марднинг ризқига,
Сен мардни номардга муҳтож қилмагин.
Номард кўпригидан ўлсам ўтмасман,
Карвон бўлсам маконига қўнмасман.
Қўлидан бир пиёла чойин ичмасман,
Ўнг қўлни чап қўлга муҳтож қилмагин.
Фоний дунё сенинг караминг зўрдир,
Таъналик сўз негизи ханжар ҳам ўқдир.
Уканинг акага вафоси оздир,
Акани укага муҳтож қилмагин.
Шоир Мурод дерлар сўзни айтганни,
Ўнта номард боқолмасмиш битта отани.
Битта ота боқар эмиш юзта болани,
Отани ўғилга муҳтож қилмагин.

БИР АШЪОР ҲИКМАТИ

Эзгулик ҳамиша ёвузлик устидан ғалаба қозонган. Аммо бир ўйлаб кўрайлик-а, бугун ўзгалар учун чин дилдан жон куйдираётганлар сафи кўпми ёки кам? Ким ўзи таниган-билган одамга, пинҳон тутиб, унинг учун яхши ниятлар ёр бўлишини сўраяпти? Ёки бўлмаса, қай биримиз ёнимиздаги одамнинг муаммоларини кўра била туриб ёрдам бермасак-да, унинг мушкуллари осон бўлишини истаяпмиз? Айнан мана шундай оғриқли саволлар "Муҳтож қилмагил" шеърини ўқиш мобайнида кўнгилдан ўтди. Биз таҳлил қилаётган ушбу шеърнинг бошланғич сатрлариёқ Махтумқулининг комил инсон эканлигини исботлайди. Негаки, сизу биз фақат ўзимиз учун куйиб-ёнаётган бир пайтимда, шоир:

Фоний дунё сендан
тилагим шудир:
Мардингни номардга
муҳтож қилмагин,

дея нола қилмоқда.

Чинданам, бу дунёда номарднинг мардга, шеърнинг тулкига муҳтож бўлгани курсин. Софдил одамнинг қалби кир касга иши тушишини, зиёлининг баъзан савлатидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ кимсага ёлворишини, Худо юқтирган истеъдодни бандаси йўқ қилолмаслигини била туриб, қаршилик қиладиганларни кўрсам, юрагим қақшайди. Шоир шунинг учун ҳам ёнмоқда, ёлвормоқдаки, эй фалак, бундай чоҳга ҳеч кимни дучор этма, дея.

Шоир нега ёлворади? Бунинг сабаби битта: мард одам мардликни тарғиб этади, унга амал қилади, бўғзига ханжар тақасалар-да, ҳақиқатга қарши бормайди. Йўқса, шоир муҳаббат ҳақида тиним билмай ёзса бўларди-ку. Йўқ, йўқ, юраги ҳақиқат аталмиш оташин нурга йўғрилганлар бундай қилмайдилар, қилолмайдилар. Улар фақат ва фақат мардлик деган шарафга бўйин эгадилар. Ва алалоқибат сизу бизнинг қалбимиздан чуқур, мангуга жой оладилар.

Шеърдаги мана бу мисралар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак:

Уканинг акага вафоси оздир,
Акани укага муҳтож қилмагин.

Орамизда шундайлар борки, акасига қилган озгина ёрдамини бошқалар олдида кўпириб гапирадиган, бу билан ўзини акасидан кўра ақлли ва доно кўрсатишга уринадиганларни айтинг, оға-ини деб бўладими? Буям майли, ака ёки укасини душманидан ҳам баттарроқ ёмон кўрадиганлар, бегоналарга ёмонлайдиганларни қандай қилиб жигаргўша дейиш мумкин? Бундайлар ҳақида гапириш ҳам керак эмас аслида? Лекин, тафаккур қилайлик, нима учун бу мисралардан таъсирландик? Гап шундаки, бу сатрлар кимнингки қалбига оғир ёхуд енгил тарзда теккан бўлса ҳам, яхшиликка сабабчи бўлиши асосий муддаомиздир. Ахир, ҳаётда яна шундай инсонлар ҳам учрайдики, улар қариндошдан кўра яқинроқ, ака-укадан кўра улуғроқдир. Шундай кишиларни биламан, ҳар доим дўсти учун қайғуради, унинг бола-чақасига, оиласига билдирмасдан яхшиликлар қилаверади. Унга бу ишларни қил деб ҳеч ким айтган эмас ёки шуни амалга оширсанг, савоб бўлади, дея бирор ҳужжатга биров қўл қўйдириб олган эмас. Фақат покиза қалб амригина бундай кишиларни буюк ишларга чорлайди. Беминнат, бетама саъй-ҳаракатларгина бундайларни эл олдида азиз қилади. Қолаверса, акаси учун жонини берадиган, укаси ҳақида кечаю-кундуз қайғурадиганлар ҳам орамизда кўп.

Шундай экан, келинг, дилимиздан меҳр-оқибатга кенгроқ жой берайлик, падару бузрукворларимиз, волидаю муҳтарамаларимизга умримиз охирига қадар хизмат қилайлик. Токи, ҳаётимизда шоир ёзган мана бу мисраларга асло ўрин ва ҳожат қолмасин:

...Ўнта номард боқолмасмиш
битта отани.
Битта ота боқар
эмиш юзта болани,
Отани ўғилга муҳтож
қилмагин.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

МЕНИКИДИР БАХТЛИ ЗАМОН

Мавлуда Рўзиева йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги марказий касалхонада ҳамшира бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг ҳаёт ҳақидаги хулосалари шеър бўлиб оқ қоғозга тўкилади доим. Яқинда унинг «Янги аср авлоди» нашриётида «Онамни қайтаринг, юлдузлар» номли шеърлар ва қатралари жамланган китоби нашрдан чиқди.

БАХТИЁРЛИК

Ён-атрофим боғу бўстон
Диёримдир бир гулистон,
Мустақиллик фарзандиман
Даврим берди эрк ҳамда шон.
Меникидир қуёш, осмон,
Меникидир бахтли замон,
Меникидир еру замин,
Мен севаман нонинг таъмин.
Меникидир обод гулшан,
Дилга ҳамроҳ ижод ва фан,
Меникидир ушбу Ватан,
Унга фидо жон ҳамда тан.
Жасоратга тўла бу қалб
Озодликка хўп ташнадир,
Дил риштасин юртга боғлаб
Турган ўзбек боғ яшнатур.
Ўзбекистон қучоғида
Туғилганим бахтим менинг.
Жаннатмакон гўзал юртда
Қўшиқ куйлаш аҳдим менинг.

* * *

Қайтгин, болагинам, қайтгин, болажон,
Тўйбоп кўйлагингни олиб қўйдим мен.
Йиққан сарполаринг йиғиб ва тахлаб,
Олтин сандиғингга солиб қўйдим мен.

Шошиб тишлаб кетган бир бурда нонинг
Олиб кўзларимга суртиб қўйдим мен.
Йўлда тўсиқларга дуч келмасин деб,
Уни юрагимга боғлаб қўйдим мен.

Мавлуда РЎЗИЕВА.

Биласизми?

- ***Китнинг юраги бир дақиқада атиги 9 марта уради.***
- ***Юмронқозиқни қишки уйқу пайтида уясидан суғуриб олиб, ҳар қанча қийнаса ҳам уйғонмайди. У бир йилда 9 ой ухлайди.***
- ***Агар илоннинг ўлжасини ютиб юбориш қобилияти инсонда ҳам бўлганда, одам 60 килограмм гўштни ямламай юта оларди.***
- ***70 килограмм вазнли одам танасида 150 – 180 грамм ош тузи мавжуд.***
- ***Гўдак 12 – 18 ойлигида ўзини кўзгуда кўриб танийди.***
- ***Ҳозирда дунёда 45 та шаҳарнинг ҳар бирида 5 миллиондан ортиқ киши яшайди.***
- ***375 метрли Тошкент телеминораси дунёдаги энг баланд миноралар рўйхатида 5 - ўринда туради.***
- ***Бразиля йиллик даромадининг 3 фоизи футболчиларни чет элга сотишдан келади.***
- ***Швеция ҳар йили 80 миллион донага яқин соат экспорт қилади.***
- ***Аргентина номини испанлар қўйишган бўлиб, бу сўз лотинчада «кумуш» деган маънони билдиради.***
- ***Сибирга сургун қилишни биринчи бўлиб Чингизхон қўллаган.***
- ***Албания «бургутлар мамлакати» деган маънони билдиради.***

Беҳзод ҚОДИРОВ тайёрлади.

ҚАРИЯ АВЛИЁ ЭКАН

Тўғриали ота жуда ҳалол, кишиларга меҳрибон, андишали, яхшигина диний саводи бор мулла эди. Бири кам дунё деганларидек, отанинг бола-чақаси йўқ, ўзидан анча ёш бўлган хотини билан яшарди. Бизга қариндошлик томони ҳам бор эди.

Отам урушда, отамнинг туғишган укаси Атамбой эса овулда қолган, эркак зотидан колхозда ёлғиз ўзи. У трактор минар, саводсиз бўлса-да, зийрак, тили ўткир, меҳнатсевар эди. Тўғриали қариянинг қандай қилиб ҳаёт билан видолашгани тўғрисида Атамбой оғамнинг айтиб берганлари ҳануз ёдимда.

«Кечагидек эсимда, — деб гап бошлаганди оғам. — Жума куни эди, Тўғриали акам мени уйига чақириб олди-да: «Иним Атамбой, индинга Эшон бозорига анави боғлиқ новвос билан қўйнинг биттасини олиб бориб сотгин-да, йигирма газ дока-мато, мева-чева, қанд-чой, яна керакли нарсаларни олиб кел. Қолган ақчани нуқул бир сўмлик, уч сўмлик ва беш сўмлик қилиб майдалайсан. Бироз кумуш танга ҳам бўлсин. Шуларни бажариб, тайёрланиб ўтирингларр. Келгуси пайшанба куни мен келмас сафарга жўнайман. Уйда бир кеча сақланглар-да, жума куни қабрга қўйинглар. Жаноза ўқиган муллани ранжитманглар», — деб васият қилди.

Ғаройиб олам

Нур ёғилиб турган юзида ҳеч қандай касаллик аломати йўқлигидан ажабланиб:

— Жака (қозоқларда ёши катта оғайни-туғишганларни жака дейишади), нима деяпсиз? Ҳали кўп йил яшайсиз, — дедим.

Лекин у:

— Йўқ, индинга эрта билан бозорга мол ҳайдайсан, — деди қатъий.

Начора, топшириғини ўзи айтгандай бажардим. Бироқ: «Қари одам-да, ўзича нималар демайди», — деб ўйлардим ишончсизлик билан.

Пайшанба куни ҳам келди. Хуфтон пайтида Тажан янгамизнинг йўқлов айтган товуши эшитилди. Тўғриали жакам хуфтон намозини ўқибди-да, жимгина омонатини топширибди.

Жакамнинг жасадини эртаси куни қабрга қўйдик. Унинг бир ҳафта аввал айтган гаплари тўғри чиққани ҳайратланарли эди.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.

Жаҳон ҳафта ичида

ПРЕЗИДЕНТ ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

Тожикистон пойтахти Душанбеда мамлакат президенти Имомали Раҳмоновнинг инаугурация маросими бўлиб ўтди. Қасамёд қилиш маросими мамлакат президенти қароргоҳида махсус барпо этилган "Кўҳи Сомон" биносида ўтказилди.

Шундан сўнг Тожикистон Президенти республиканинг ташқи алоқаларига доир бир қанча баёнотлар берди. Имомали Раҳмоновнинг сўзларига кўра, Тожикистон Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари билан узоқ муддатли стратегик ҳамкорликни давом эттиради. Шунингдек, президент Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Имомали Раҳмонов шу йилнинг 7 ноябрида учинчи президентлик ваколатига эга бўлди. Унга сайловчиларнинг 79,3 фоизи ишонч билдирган.

ГРУЗИЯ НАТОГА КИРИШИ МУМКИН



АҚШ сенати Грузия, Албания, Хорватия ва Македониянинг НАТОга киришини қўлловчи қонун лойиҳасини қабул қилди. Бу ҳақда France Presse агентлиги маълум қилган. Ушбу ҳужжатда қайд қилинишича, Украина Шимолий Альянсга аъзо бўлишни истаса, уни ҳам АҚШ томони қўллаб-қувватлашга тайёр.

Шунингдек, қонун лойиҳасида 2007 йилда АҚШ федерал бюджетидан ушбу давлатлар учун "НАТОга киришга тайёргарлик кўриш" мақсадида кўмак ажратилиши ҳам кўзда тутилади. Демак, қонун лойиҳасига кўра Грузия 10 миллион доллар, Албания, Хорватия ва Македониянинг ҳар бири уч миллион доллардан маблағ олиши мумкин.

ТУРКМАНБОШИ ШИФОКОР КЎМАГИГА МУҲТОЖ



Туркманистон президенти Сапармурот Ниёзов жарроҳлик столига ётишга мажбур бўлиши мумкин. Бу ҳақда президентни тиббий кўрикдан ўтказган немис врачлари — хирург-офтальмолог Артур Мюллер ва анестезиолог-ренаиматолог Клаус Чайковский маълум қилишган.

Дастлабки текшириш натижаларига кўра, Туркманбошига ўнг кўзини операция қилдириш тавсия қилинган. 2005 йилнинг февралида врачлар бошқа ҳамкасблари билан биргаликда Ниёзовнинг чап кўзида кўриш қобилиятини тикловчи муваффақиятли операцияни ўтказган эди.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг октябрида Ниёзов жиддий юрак хасталигини бошидан ўтказганди.

ХИТОЙДА АҚШ ЖУРНАЛИСТИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Америкалик репортёр Хитой полициячилари томонидан қўлга олинган ва орадан бир неча соат ўтгач, озод қилинган.

У Хитой қишлоқларидан биридаги аҳоли томонидан гаровга олинган саккиз нафар амалдорни озод қилиш операцияси давомида қўлга тушган. Америкалик журналист Даньфун Деннис воқеаларнинг кейинги ривожини ёритиш мақсадида ўша ерга етиб борганди.

Деннисннинг сўзларига кўра, ушлаб турилган вақтда полициячилар унинг бошига уришган. Шунингдек, уяли алоқа телефонидан фойдаланмоқчи бўлганида унинг қўлига ҳам зарар етказишган. Деннис уни ҳимоя қилмоқчи бўлган қишлоқ аҳолисининг тақдиридан ҳам хавотирда эканлигини таъкидлаган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

В соответствии с постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг при Госкомимуществе Республики Узбекистан от 18 апреля 2005 года № 1127-1 инвестор ООО «EXPRESS LEASING» раскрывает информацию о намерении приобретения пакета акций.

Инвестор: **ООО «EXPRESS LEASING»,** имеющее юридический адрес: **г. Ташкент ул. Х.Абдуллаева 52Б.**
Эмитент: СП «VIRTEX-AGRO» г. Ташкент, имеющее юридический адрес: пос. Боз-сув, птицефабрика «Виртекс-агро».
Тип приобретаемых акций: простая, именная, документарная.
Количество: 9 708 штук.
Объём приобретаемых акций: 20,74%.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1323.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00